# Илмий мақолаларни қабул қилиш муддати 25 сентябргача узайтирилди

Олий аттестация комиссияси томонидан Халқаро журналда чоп етилган мақолалар сифатида тан олинадиган Халқаро конференсияга илмий мақолаларни қабул қилиш муддати 25 сентябргача узайтирилди. Илмий мақолаларни чоп етиш мутлақо бепул бўлиб, Ерасмус+ ДСинГИС лойиҳаси томонидан молиялаштирилади. Батафсил маълумотни қуйидаги ахборот хатидан олишингиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент архитектура ва қурилиш институти

Қорақалпоқ давлат университети

Обуда университети (ОУ), Венгрия

Парис Лодрон университети (ПЛУС), Залсбург, Австрия

Қироллик технология университети, Стокголм, Швеция

Лейбниц Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш институти (ИАМО), Германия

АХБОРОТ ХАТИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

“Геоахборот тизими (ГАТ) технологияси соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва йечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференсиянинг ташкилий қўмитаси Сизни 2019 йил 22-23 октябр кунлари Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтадиган конференцияда иштирок етишга таклиф етади.

Анжуманда геоахборот ва унинг тармоқ соҳаларида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришдаги мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабалар ўзлари бажараётган ва амалга тадбиқ етилиши кутилаётган инновацион ишланмалари, кашфиётлари, ихтиролари ҳамда янги илғор ғояларни ўзида мужассам етган мақола, маъруза ва тезислари билан иштирок етишлари мумкин.

Конференсиянинг илмий-амалий йўналишлари:

таълим тизимида геоахборот технологиялари ҳамда ушбу соҳа бўйича илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш масалалари;
архитектура ва қурилиш соҳаларида геоинформатикани қўллаш муаммолари;
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ирригация, йер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда геоинформатика;
геодезия, геология, геофизика, география, картография ва кадастр тизимида геоинформатика;

ГАТ-картографияни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари;
аерокосмик усуллар ва геоинформатика;
екология, табиий ресурслар ва фойдали қазилмаларни бошқаришда геоинформатика;
геоинформатикани халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига қўллаш имкониятлари.
Илмий мақолалар учун қўйиладиган талаблар:

Конференсияга тақдим етилаётган мақолалар матни ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ИМРАД (ҳттпс://ру.wикипедиа.орг/wики/ИМРАД) структурасидаги талаблар асосида ёзилган бўлиб, ҳажми 5 бетдан кам бўлмаслиги лозим.
Ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотациянинг мавжудлиги.
Ўзбек, рус ва инглиз тилларида калит сўзларининг мавжудлиги (камида 5 та).
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар келтирилиши шарт.
Матн Мисрософт Wорд дастурида (Тимес Неw Роман, 14 шрифт, 1,5 интервал, манбалар рўйхати матнда еслатма тартибида рақамланди, матндаги ҳаволалар тўртбурчак қавс билан ажратилиши керак [1,2-бет]. Тасвирлар рангли ёки оқ-қора вариантда тайёрланади.
Илмий мақолага соҳа мутахассисининг тақризи.
Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ишончлилигига муаллифлар шахсан жавобгардирлар.
Магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг мақолалари илмий раҳбарлар тавсияси асосида қабул қилинади.

Конференсия материаллари ДСинГИС лойиҳасининг веб саҳифаларига жойлаштирилади (www.дсингис.еу ҳттп://геоинформатисс.уз/дсингис/). Юқори сифатга ега танлаб олинган мақолалар Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий техник журналида чоп етилади. Мазкур журнал Республика Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр етиш учун тавсия етиладиган илмий нашрлар рўйхатига киритилган бўлиб, унда чоп етилган конференсия мақолалари халқаро мақолалар сифатида тан олинади.Конференсияда иштирок етиш учун мақолаларни юқоридаги талабларга мувофиқ тайёрлаб, 2018 йил 25 сентябргача ташкилий қўмитага юборишингизни сўраймиз.

Мақолаларни топшириш муддати: 2019 йил 25 сентябр

Маъруза матнларини жиҳозлаш намунаси

ФАЗОВИЙ ТАҲЛИЛ ВА МОДЕЛЛАСҲТИРИСҲ

Ниязов В.Р. (14 кегел)

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Самарқанд, Ўзбекистон. ниязов_в@гмаил.com (12 кегел)

Аннотация: матн (12 кегел)

Калит сўзлар: матн (12 кегел)

Матн (14 кегел)

Адабиётлар рўйхати: (14 кегел)

Асланов А.Ф. Метакартография. Основние проблеми. – Тбилиси.: Мицнийереба, 2017. -125 с. (12 кегел)
ҳттпс://ру.wошрнфжг/реттгфдс

Маъруза материалларини конференсия иши бошланишига қадар нашр қилиш режалаштирилган.

Ташкилий қўмита конференсия мавзусига ва талабларига жавоб бермайдиган мақолаларни ёки белгиланган муддатдан кейин келган мақолаларни рад етиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги ташкилий қўмита аъзоларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Ниязов Вохид, тел.: 99897-923-16-08, 99866-234-62-48, е-маил: воҳид85-85@маил.ру
Хушвақтов Усмон, тел.: 99893-355-19-31, 99366-237-18-47, е-маил: усмон-хх@маил.ру
Ташкилий қўмита манзили:

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти. 140147, Самарқанд ш., Лолазор кўчаси 4, Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. Телефон: 99366-237-18-47, факс 99366-237-26-30